



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2023  
1-сон



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-ракам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир**

**ўринбосари:**

профессор **Д.Х.Асланова**

**Масъул котиб:**

профессор **М.Қ.Пардаев**

**Муҳаррирлар:**

**Ф.А.Сафаров**

**Ш.З.Ўрозов**

**Техник муҳаррир:**

**А.Н.Холиқулов**

**Корректор:**

**С.А.Бабаназарова**

**Саҳифаловчи:**

**Ҳ.Н.Очилова**

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида  
тарқатилади.

**Тахририят манзили:**

140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

[samisiservis@mail.ru](mailto:samisiservis@mail.ru)

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар  
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-  
тика кўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ Самарқанд филиали директори,  
иқтисод фанлари доктори, профессор

**М.Р.Болтабаев** – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва  
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ декани, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ доценти, и.ф.д.

<b>МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА ИНВЕСТИЦИЯ</b>	
<b>Вехзоджон Усмонович Шермухамедов</b> Тижорат банклари депозит сиёсатининг қийосий таҳлили	149
<b>Хуббим Аскарлович Улашев</b> Иқтисодийнинг келгуси тараққиётида инвестицияларнинг ўрни	153
<b>БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ</b>	
<b>Анвар Нематович Холиқулов</b> Хизмат кўрсатиш корхоналарида самарадорликни оширишнинг кўп омилли корреляцион-регрессион таҳлили	158
<b>Зайнаб Баратовна Эшпулатова, Шахзод Шохрухович Усманов</b> Корхоналар даромадларининг молиявий ҳисобот элементи сифатидаги тавсифи	162
<b>Бобур Фарходович Боронов</b> Ёғ-мой саноати корхоналарида пул оқимлари ҳақидаги ҳисоботни такомиллаштириш	166
<b>БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ</b>	
<b>Шавкат Собирович Олтаев</b> Мамлакатимиз ёшларининг иш билан бандлик даражасини ошириш: муаммо ва имкониятлар	171
<b>Шаҳобиддин Зиядуллаевич Ўрозов</b> Марказий Осиё илм-фани ривожда Амир Темур ва Темурийларнинг тугган ўрни	175
<b>ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА</b>	
<b>Умар Худайбердиев, Севара Абдиназаровна Бабаназарова</b> Мактабгача таълим – таълим ва тарбиянинг асосидир.	180
<b>Тўлқин Кулибаевич Мардиев, Дилноза Акрамовна Искандарова</b> Инглиз ва ўзбек тилларида қурилиш терминларининг умумий семантик жиҳатлари	184
<b>Садулла Шодиевич Уразов</b> Таълим хизматлари кластери – таълим соҳасини ривожлантириш ва бошқариш стратегияси сифатида	188
<b>Ҳилола Нематовна Очилова</b> Таълим хизматларининг ўзига хос хусусиятлари	192
<b>ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР</b>	
Беморлик, фақирлик ва муҳтожлик сабаблари. Доно саволга доно жавоб.	197
<b>ИБРАТЛИ БИТИКЛАР</b>	
Инсоннинг руҳияти ва кечинмалари ҳақида савол-жавоблар.	198

Зайнаб Баратовна Эшпулатова – СамИСИ, “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси доцент в.б.,  
PhD

Шахзод Шохрухович Усманов – СамИСИ, БҲ-222 гуруҳ талабаси

## КОРХОНАЛАР ДАРОМАДЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДАГИ ТАВСИФИ

**Аннотация:** Ушбу мақолада корхоналарда даромадларнинг молиявий ҳисобот элементи сифатида долзарблиги асосланган. Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандарти бўйича Кенгаш томонидан концептуал қоидаларга киритилган ўзгартиришлар асосида Ўзбекистонда Бухгалтерия ҳисобига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда даромадларга оид қоидаларни мувофиқлаштириш ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** даромадлар, концептуал қоидалар, молиявий ҳисобот элементи, фойда ёки зарарлар, дивиденд, фоизлар, роялти, корхоналар, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, харажатлар, активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал.

**Кириш.** Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)ни биринчи марта қўллаш шароитида кўпчилик мамлакатларда, жумладан Ўзбекистонда инвестицион муҳитни яхшилаш мақсадида бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, МҲХСларини тўғридан-тўғри жорий этиш учун шарт-шароитлар ва муҳитни шакллантириш, компанияларда кенг қўламли тайёргарлик ишларини амалга ошириш, бухгалтерларни халқаро стандартларга ўқитиш ва малакасини ошириш, халқаро сертификатлаш, молиявий ҳисобот элементи ҳисобланган даромадларни тавсифлаш, тан олиш, баҳолаш ҳамда ҳисоботларда акс эттириш методологиясини жорий этишга ҳамда шу соҳадаги тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Тадқиқотнинг методологияси.** Тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандарти қоидаларини, халқаро концептуал қоидаларга ҳамда МҲХСларига таққослаш методи, мантиқий таҳлил, таҳлил ва синтез усуллардан фойдаланилди.


**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Мамлакатимиз олимларининг ишларида даромадларни тан олиш, баҳолаш, фойда ёки зарарларни аниқлаш ва ҳисоботда акс эттиришнинг услубий масалалари тадқиқ этилган. А.З.Авлоқулов [1] илмий ишларида молиявий натижалар кўрсаткичлари бўйича ахборот қамровини кенгайтиришда прагматик концепцияни қўллаш таклиф этилган ҳамда ҳисобот назоратининг уч босқичли алгоритми ишлаб чиқилган. У.Тўлаев[2] томонидан молиявий натижаларни шакллантиришнинг назарий, меъёрий ва услубий жиҳатларини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган. С.Н.Ташназаров[3] томонидан фойда ва зарарлар ҳамда бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисоботнинг халқаро стандартларга мувофиқ келадиган шакли таклиф этилган. М.Ж.Темирханова[4] илмий мақоласида туризм корхоналарида хизмат кўрсатишдан олинган даромади, фойда категориясининг функциялари ҳамда корхонанинг фойдаси, тушумлари ва активларни ўсиши ўртасидаги нисбатни таҳлил қилган. Н.Алимова[5] томонидан мехмонхоналарда кўрсатилаётган хизматлардан олинаётган даромадларни ҳисобга оладиган счетлар тизимини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган. Р.Ҳасанова[6] молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиққан. Муаллифларнинг тадқиқотлари муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга бўлсада, лекин ушбу ишларда даромадлар ва фойда ҳисобини халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш, даромадлар (фойда)ни тан олиш, баҳолаш, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш масалалари етарли даражада тадқиқ этилмаган.

**Таҳлил ва натижалар.** Манбаларда даромадлар ва харажатлар ҳисобини ўрганишда қуйидаги қисмларга ажратилган: “1) Бухгалтерия ҳисобида корхонанинг

даромад ва харажатларига нима киради; 2) солиққа тортиш нуқтаи назаридан даромад ва харажатлар; 3) ташкилотнинг даромадлари ва харажатларини ҳисобга олиш принциплари; 4) компаниянинг даромадлари ва харажатлари ҳисобининг алгоритми; 5) даромад ва харажатлар ҳисоби учун дастур.”

Бир гуруҳ хорижлик олимлар (Huifa Chen Qingliang Tang, Yihong Jiang, Zhijun Lin)[7] томонидан даромадларга оид стандарт қоидаларининг бухгалтерия ҳисоби сифатининг ошишига таъсирини ўрганган ва қоидаларга риоя қилиниши даромадларга оид сифатли ахборотларнинг шаклланишига асос эканлигини таъкидлашган.

Концептуал қоидаларга мувофиқ молиявий ҳисоботнинг элементларини куйидаги 1-расмда акс эттиришимиз мумкин:



**1-расм. Молиявий ҳисоботнинг элементлари<sup>1</sup>.**

Бизнинг фикримизча, бухгалтерия ҳисоби мақсадларида даромадларга молиявий ҳисоботнинг элементи сифатида тавсиф бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юқоридаги тажрибаларни ўрганиш асосида даромадларга молиявий ҳисоботнинг элементи сифатида куйидаги таърифни берамиз: Даромадлар – бу молиявий ҳисоботнинг асосий элементи бўлиб, ҳисобот даври давомида таъсисчиларнинг қўшимча капитал киритишидан ташқари хусусий капиталнинг кўпайишида ўз аксини топган активларнинг келиб тушиши ва (ёки) сифатининг яхшиланиши ва (ёки) мажбуриятларнинг сўндирилиши кўринишида иқтисодий нафнинг олинishiдир.

Концептуал асосларда даромадларнинг таркибий қисмига оид моддаларни куйидаги жадвалда расмийлаштиришимиз мумкин бўлади.

**1-жадвал**

**Концептуал асосларда даромадларнинг таркибининг белгиланишига оид қоидалар<sup>2</sup>**

Модда	Мазмуни
4.29	Даромадларнинг таърифи ўз ичига тушумни ҳам, шунингдек бошқа даромадларни ҳам олади. Тушумлар ташкилотнинг одатдаги фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келади ва турли номлардаги, хусусан “сотишдан тушум”, “хизматлар учун рағбатлантиришлар”, “фоизлар”, “дивидендлар”, “роялти” ва “ижара тўловлари”ни ўз ичига олади
4.30	Бошқа даромадлар фойданинг турли хил моддалари бўлиб, қайсики даромадлар таърифини қаноатлантиради ҳамда ташкилотнинг одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳам юзага келади. Бундай фойда иқтисодий нафнинг кўпайиши билан тавсифланади, шундай қилиб ўзининг хусусиятига кўра тушумдан фарқ қилмайди. Шу боис, улар ушбу концептуал асосларда алоҳида

<sup>1</sup>«Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари» .

<sup>2</sup> [https://www.minfin.ru/common/upload/library/2014/06/main/kontseptualnye\\_osnovy\\_na\\_sayt\\_bez\\_predisloviya\\_-\\_kopiya.pdf](https://www.minfin.ru/common/upload/library/2014/06/main/kontseptualnye_osnovy_na_sayt_bez_predisloviya_-_kopiya.pdf) асосида муаллиф ишланмаси

	элемент сифатида қаралмайди
4.31	Бошқа даромадлар ўз ичига, масалан, жорий бўлмаган активларнинг чиқиб кетишидан олинган фойдани олади. Ушбу даромадларнинг таърифи реализация қилинмаган, масалан бозордаги қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан ҳамда узоқ муддатли активларнинг баланс қийматини оширишдан олинган фойдани ҳам ўз ичига олади. Бошқа даромадлар фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинганда одатда улар алоҳида кўрсатилади, чунки улар тўғрисидаги ахборотлар иқтисодий қарорларни қабул қилишда фойдали ҳисобланади. Фойда моддалари одатда тааллуқли харажатларни чегиргандан кейинги суммаси сифатида акс этирилади
4.32	Турли кўринишдаги активлар даромадлар ҳисобидан олиниши ёки сифати яхшиланиши мумкин, мисол сифатида пул маблағлари, дебиторлик қарзлари, жўнатилган товар ва хизматлар учун алмаштиришда олинган товар ва хизматлар. Даромадлар мажбуриятларни сўндириш натижасида ҳам олиниши мумкин. Масалан, ташкилот тўланмаган қарзларни тўлаш учун мажбуриятларни тартибга солиш мақсадида кредиторга товар ва хизматларни тақдим этиши мумкин

Ўзбекистонда даромадларни ҳисобга олишнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжати ҳисобланган “Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом”, “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос” ҳамда 2-сонли БҲМС “Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар” стандарти қоидаларини таққослаш натижасида қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

**Биринчидан**, халқаро стандартларнинг концептуал асосларида даромадларга таъриф келтирилган. Ушбу таъриф умум тан олинган ҳисобланади. Келтирилган таърифнинг энг муҳим хусусияти, унда даромадларга молиявий ҳисоботнинг элементи сифатида таъриф келтирилган. Унга кўра бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартлар бажарилиши талаб этилади: биринчи шarti даромад сифатида тан олинади, қачонки хусусий капиталнинг таъсисчилар томонидан қўшимча капиталнинг киритилишидан ташқари кўпайишига олиб келса, иккинчи шarti даромадларни юзага келтирувчи ходисалар активлар (пул маблағлари ёки бошқа активлар)нинг кўпайиши ёки унинг ҳолатининг яхшиланиши ёки мажбуриятларнинг сўндирилишига олиб келиши керак. Ушбу иккита шартнинг бир вақтда бажарилишини таъминловчи ҳодиса ва жараёнларнинг суммадаги миқдори даромад сифатида тан олинади.

**Иккинчидан**, Ўзбекистон 2-сонли БҲМС “Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар” стандартида таърифни такомиллаштириш зарурияти мавжуд. Чунки, таърифда қандай кўринишда, яъни активларнинг (пул маблағлари ёки мулкларнинг) ва (ёки) активлар сифатининг яхшиланиши ва (ёки) мажбуриятларнинг сўндирилиши кўринишида иқтисодий нафнинг кўпайиши хусусияти ўз аксини топмаган. Бундан ташқари, таъриф асосий хўжалик фаолиятдан олинган даромадларга берилган, таъриф аслида даромадларга берилиши керак эди, чунки одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа даромадлар ҳам юқоридаги таъриф талабларига жавоб беради, шунинг учун стандартда бошқа даромадларни молиявий ҳисоботнинг алоҳида элементи сифати қаралмайди. Молиявий ҳисоботнинг концептуал қоидаларига мувофиқ даромад молиявий ҳисоботнинг элементи ҳисобланади, қайсики унга асосий даромадлар ва бошқа даромадлар киради.

**Учинчидан**, даромадларнинг таркибини солиштирадиган бўлсак, халқаро стандартларда тушумларга, яъни одатдаги фаолияти билан боғлиқ асосий даромадларга 1. Сотишдан тушган тушум; 2. Хизматлар учун рағбатлантиришлар; 3. Фоизлар, 4. Дивидендлар, 5. Роялти 6. Ижара даромадлари. Россия стандартларида ушбу қоидага риоя қилинмаган. Унда одатдаги фаолияти билан боғлиқ тушумларга фақат сотишдан тушган тушум ҳамда кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлардан тушган тушумлар киритилган. Фоизлар, дивидендлар ва роялтини таъмин этадиган қуйидаги даромадлари: 1. Ташкилотнинг тўлов асосида вақтинчалик фойдаланишга тақдим этилган активлар учун

келиб тушишлари; 2. Кашфиётлар, саноат намуналари ва бошқа интеллектуал мулк турларига патент ҳуқуқларини тўлов эвазига тақдим этиш билан боғлиқ келиб тушишлар; 3. Бошқа ташкилотларнинг устав капиталига қатнашиши билан боғлиқ келиб тушишлар; 4. Ҳамкорликдаги фаолият натижасида ташкилот томонидан олинадиган фойда каби даромадлари бошқа даромадлар таркибига киритилган. Бу халқаро стандартларнинг талабларига мувофиқ келмайди.

**Тўртинчидан**, бугунги кунда 2-сонли БҲМС “Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар” стандартини янги таҳрирда қабул қилиш зарурияти мавжуд. Бизга маълумки, Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари бўйича Кенгаш 18-сон БҲХС “Тушумлар” ва 11-сон БҲХС “Қурилишдаги шартномалар” стандартнинг қоидалари давр талабларига жавоб бера олмаётганлигини ҳисобга олиб МҲХС ва АҚШдаги ГААР қоидаларини умумлаштириш асосида тушумни тан олиш принципларини белгиловчи ягона 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” стандартини ишлаб чиқди. Бизда амалда бўлган 2-сонли БҲМС асосан олдин амалда бўлган 18-сон БҲХС “Тушумлар” стандарти талаблари асосида ишлаб чиқилган эди. Бундан ташқари, стандартда “асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар” атамасига эмас, “даромадлар” ва “тушумлар” атамаларига таъриф келтирилиши мақсадга мувофиқ, чунки одатдаги фаолиятдан олинган даромадлар (асосий даромадлар) ва одатдаги бўлмаган фаолиятдан олинган даромадлар (бошқа даромадлар) ҳам молиявий ҳисоботнинг “даромад” элементи сифатида талқин қилиниши талаб этилади.

**Хулоса ва таклифлар.** Ушбу тадқиқот натижаларида қуйидаги хулосаларни келтиришимиз мумкин:

1. Бугунги кунда жаромадлар ҳисобини халқаро стандартлар талабларига ўтказиш ўта долзарб масала ҳисобланади. Концептуал асосларнинг янги таҳририда активлар “иктисодий ресурслар” деб аталиб, бу иктисодий нафнинг олинисига бўлган ҳуқуқ деб тавсифланди. Мажбуриятлар эса “мажбурий жавобгарлик” деб баҳоланиб, қайсики компанияда уни тўлашдан қочиш қутилиши имконияти амалий мавжуд бўлмайди. Ушбу иктисодий ресурслар ва мажбуриятларга нисбатан киритилган ўзгаришларга асосан даромадларга берилган таъриф ҳам мазмунан бойитилган. Ушбу ўзгаришларни мамлакатимиздаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга киритиш лозимлиги асосланди.
2. Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом бугунги кунда талабга жавоб бермаслиги асосланди, ундаги кўрсаткичларнинг номланишини концептуал қоидаларга мувофиқ эмаслиги таъкидлаб ўтилди. Жумладан, “Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (операция даромадлари)” кўрсаткичини “асосий бўлмаган фаолият натижасида юзага келадиган даромадлар” ёки “бошқа даромадлар” деб аташ таклиф этилди. Компаниянинг ялпи фойдаси аниқлангандан кейин, “операцион фойда” деб номланган фойда кўрсаткичини ҳам киритиш кераклиги асосланди.

Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши даромадлар ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг шаффофлигининг ошишига хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Авлокулов А.З. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. Иктисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати.Т.: 2019.71-б.
2. Н.Алимова. Замонавий мехмонхоналарда кўрсатилаётган хизматлардан олинаётган даромадлар ҳисобининг муаммолари. <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/67029-zamonaviy-mhmonxonalarda-kursatilyotgan-xizmatlardan-olinayotgan-daromadlar-hisobining-dolzarb-muammolari>
3. Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш. Монография. - Publisher SIA OmniScriptum Publishing. GlobeEdit Publishing house. 2018. 280 p. ISBN-13:978-613-8-24050-1

4. У.Тўлаев. Молиявий натижаларни шакллантиришнинг назарий, меъёрий ва услубий жиҳатларини такомиллаштириш. <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/15623--moliyaviy-natijalarni-shakllantirishning-nazariy-myoriy-va-uslubiy-jihatlarini-takomillashtirish>
5. М.Ж.Темирханова. Туризм корхоналарида молиявий натижаларни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш. [http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/10\\_Temirkhanova.pdf](http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/10_Temirkhanova.pdf)
6. Р.Ҳасанова. Замонавий корпоратив бошқарув тизимида молиявий натижалар ва уларни тақсимлашнинг ҳисоби. <http://www.biznes-daily.uz/uz/birjaexpert/49680-zamonaviy-korporativ-boshqaruv-tizimida-moliyaviy-natijalar-va-ularni-tahsimplashning-hisobi>
7. Huifa Chen Qingliang Tang, Yihong Jiang, Zhijun Lin. The Role of International Financial Reporting Standards in Accounting Quality: Evidence from the European Union //Journal of International Financial Management & Accounting AuthorsVolume 21, Issue 3 Autumn 2010 Pages 220–278.
8. Концептуальные основы финансовой отчетности. [https://nrm.uz/contentf?doc=470813\\_konceptualnye\\_osnovy\\_finansovoy\\_otchetnosti](https://nrm.uz/contentf?doc=470813_konceptualnye_osnovy_finansovoy_otchetnosti)

З.Эшпулатова., Ш.Усманов	Z.Eshpulatova., Sh.Usmanov
<b>Описание доходов предприятий как элемент финансовой отчётности</b>	<b>Description of the income of enterprises as an element of financial statements</b>
<p><b>Аннотация:</b> В этой статье обоснованы актуальность вопросов учета доходов на предприятиях как элемента финансовой отчетности. На основе поправок к концептуальным правилам, внесенных советом по международному стандарту финансовой отчетности, были разработаны предложения по согласованию правил о доходах в нормативных правовых актах по бухгалтерскому учету в Узбекистане и по совершенствованию отчета о финансовых результатах.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> доход, концептуальные основы, элемент финансовой отчетности, прибыль или убыток, проценты, роялти, предприятия, международные стандарты финансовой отчетности, расходы, активы, обязательства, удельный капитал.</p>	<p><b>Abstract:</b> This article substantiates the relevance of income accounting issues at enterprises as an element of financial reporting. Based on the amendments to the conceptual rules introduced by the Council for the International Financial Reporting Standard, proposals were developed to harmonize the rules on income in the regulatory legal acts on accounting in Uzbekistan and to improve the financial results report.</p> <p><b>Keywords:</b> income, conceptual provisions, element of financial statements, profit or loss, interest, royalties, enterprises, international financial reporting standards, expenses, assets, liabilities, specific capital.</p>

**Бобур Фарходович Боронов** – СамИСИ докторанти, и.ф.ф.д. (PhD)

### ЁҒ-МОЙ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ПУЛ ОҚИМЛАРИ ҲАҚИДАГИ ҲИСОБОТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

<p><b>Аннотация.</b> Мақолада хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузиладиган ва тақдим этиладиган пул оқимлари ҳақидаги ҳисоботнинг амалдаги ҳолати, ушбу ҳисоботни ёғ-мой саноати корхоналари томонидан тақдим этишдаги масалалар, молиявий ҳисоботнинг ушбу шаклида ёғ-мой маҳсулотларига оид моддаларнинг акс этирилиши каби масалалар тадқиқ этилган бўлиб, олиб борилган изланишлар натижасида илмий таклиф ва тавсиялар берилган.</p> <p><b>Калит сўзлар:</b> молиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари, пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот, ёғ-мой саноати корхоналари, тайёр маҳсулот, ёғ-мой маҳсулотлари.</p>
---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

**Кириш.** Хўжалик юритувчи субъектлар фаолият кўрсатар экан уларнинг ушбу фаолият натижалари ҳисобот тарзида ахборот фойдаланувчилар ихтиёрига тақдим этилиб борилиши лозим. Ушбу ҳисоботларда корхонанинг молиявий ва бошқарув аҳамиятидаги

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

9.03.2023 йилда теришга берилди. 22.03.2023 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0016 А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023